# Мендан олдин бирор пайғамбар келган бўлса

09:48 / 21.01.2019    2262

وَعَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ، فَنَزَلْنَا مَنْزِلاً، فَمِنَّا مَنْ يُصْلِحُ خِبَاءَهُ، وَمِنَّا مَنْ يَنْتَضِلُ، وَمِنَّا مَنْ هُوَ فِي جَشَرِهِ، إِذْ نَادَى مُنَادِي رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ: الصَّلاةُ جَامِعَةٌ. فَاجْتَمَعْنَا إِلَى رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «**إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيٌّ قَبْلِي إِلاَّ كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدُلَّ أُمَّتَهُ عَلَى خَيْرِ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ،**

وَيُنذِرَهُمْ شَرَّ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ، وَإِنَّ
أُمَّتَكُمْ هَذِهِ جُعِلَ عَافِيَتُهَا فِي أَوَّلِهَا،
وَسَيُصِيبُ آخِرَهَا بَلَاءٌ وَأُمُورٌ
تُنْكِرُونَهَا، وَتَجِيءُ فِتْنَةٌ يُرَقِّقُ
بَعْضُهَا بَعْضًا، وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ
فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ مُهْلِكَتِي، ثُمَّ
تَنْكَشِفُ، وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ
الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ هَذِهِ، فَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يُزَحْزَحَ
عَنِ النَّارِ، وَيَدْخُلَ الْجَنَّةَ، فَلْتَأْتِهِ
مَنِيَّتُهُ وَهُوَ يُؤْمِنُ بِاللهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ، وَلْيَأْتِ إِلَى النَّاسِ الَّذِي يُحِبُّ
أَنْ يُؤْتَى إِلَيْهِ. وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا

**فأَعْطاهُ صَفْقَةَ يَدِهِ، وَثَمَرَةَ قَلْبِهِ، فَلْيُطِعْهُ إنِ اسْتَطاعَ، فإنْ جاءَ آخَرُ يُنازِعُهُ، فاضْرِبُوا عنُقَ الآخَرِ».** رَواهُ مُسْلِمٌ.

قوْله: «يَنْتَضِلُ» أي: يُسابِقُ بالرَّمْيِ بالنَّبْلِ والنُّشّاب. «والجَشَرُ» بفتح الجيم والشين المعجمة وبالراءِ: وهي الدَّوابُّ التي تَرْعَى وتَبيتُ مَكانَها. وقوله: «يُرَقِّقُ بعْضُها بَعَضاً» أي: يُصَيِّرُ بعضَها بعضاً رقِيقاً، أي: خَفِيفاً لِعِظَمِ مابعْدَهُ، فالثّاني يُرَقِّقُ الأَوَّلَ. وقيل:

معناه: يُشَوِّقُ بَعْضُهَا إلى بعْضٍ بتحْسِينها وتسْوِيلها وقيل: يُشْبِهُ بعضها بَعْضًا.

668/6. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик, бас, бир манзилга тушдик. У ерда кимдир чодирини тузатаётган эди. Ва кимдир ўқ отиш мусобақаси ила машғул эди. Ва яна биздан кимдир ҳайвонларини ўтлатаётган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жарчиларидан бири жар солиб, жамоат намозига чақирди. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига жамландик. У зот: **«Мендан олдин бирор пайғамбар келган бўлса, билган яхшилликка ўз умматини ҳам йўллаб, билган ёмонликдан ўз умматини огоҳлантириш унинг зиммасида бўлган. Албатта, бу умматнинг аввалги авлодига офият насиб қилингандир. Умматнинг охирги авлодига эса балолар ва инкор қилинадиган ишлар содир бўлади. Шунақа фитналар бўладики, баъзиси (катта бўлганидан) баъзисини текислаб кетади. Ва яна бир фитна пайдо бўладики, мўмин киши уни кўрганда мана шу мени ҳалок қилади, дейди. Кейин ундан бу фитна кетади. Ва яна фитна бўлади. Мўмин киши: «Бу мени ҳалок қилади. Бу, мана бу мени ҳалок қилади», дейди. Ким дўзахдан узоқлашиб, жаннатга киришни истаса, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтириб ўлсин. Ва ўзига қандай муомала қилинишини яхши кўрса, одамларга ҳам шундай муомала қилсин. Кимки бир имомга қўлини бериб, чин қалбдан байъат қилган бўлса, қодир бўлгунича итоат этсин. Агар иккинчи имом чиқиб, ўша байъат қилган биринчи имоми билан низо қилса, ўша иккинчисининг гарданига уринглар»**, деб айтдилар.

Имом Муслим ривоятлари.